



## ЯШИЛ МАЙДОН ОБЪЕКТЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУЛК БҮЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD Мухаммадиев Заррух Умарович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

[mukhammadiev90@mail.ru](mailto:mukhammadiev90@mail.ru)

ORCID: 0009-0003-3870-2497

**Аннотация.** Мақолада капитал инвестициялар ҳисобининг долзарб вазифалари, жумладан яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда инвестициявий мулк бўйича капитал инвестициялар ҳисобини халқаро тажрибаларга мувофиқлаштириш, инвестициявий мулк объектларининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ашбу активларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда акс эттириш масалалари очиб берилган.

**Калим сўзлар:** яшил иқтисодиёт, инвестициявий мулк бўйича капитал инвестициялар, капитал инвестициялар ҳисоби, яшил майдон объектлари, асосий воситалар, номоддий активлар, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СЧЕТА ВЛОЖЕНИЙ КАПИТАЛА В ИНВЕСТИЦИОННУЮ НЕДВИЖИМОСТЬ В ЗЕЛЁНЫЕ ОБЪЕКТЫ

PhD Мухаммадиев Заррух Умарович

Самаркандского института экономики и сервиса

**Аннотация.** В статье раскрываются актуальные задачи учета капитальных вложений, в том числе гармонизация учета капитальных вложений в инвестиционную недвижимость на предприятиях зеленой экономики с международным опытом, учет и отчетность по этим активам с учетом особенностей объектов инвестиционной недвижимости.

**Ключевые слова:** зеленая экономика, капитальные вложения в инвестиционную недвижимость, учет капитальных вложений, новые объекты, основные средства, нематериальные активы, бухгалтерский учет, международные стандарты финансовой отчетности.

## IMPROVEMENT OF CAPITAL INVESTMENT ACCOUNT FOR INVESTMENT PROPERTY IN GREEN FIELD FACILITIES

PhD Mukhammadiev Zarrukh Umarovich

Samarkand Institute of Service and Economics

**Abstract.** The article reveals the current tasks of capital investment accounting, including the harmonization of capital investment accounting for investment property in enterprises in the green economy with international experiences, and the accounting and reporting of these assets, taking into account the specific characteristics of investment property objects.

**Keywords:** green economy, capital investment in investment property, capital investment accounting, greenfield facilities, fixed assets, intangible assets, accounting, international financial reporting standards.

### **Кириш.**

Республикамизда “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш” Даствури қабул қилнган бўлиб, унда “саноат корхоналарида энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш, янги замонавий, инновацион, энергия самарадорлигини оширишни таъминлайдиган энергия тежовчи, шу жумладан, хорижий технологияларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизация ва реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлашга қаратилган истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш чораларини кўриш” (Қарор, 2022) чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ҳамда корхоналарда ишлаб чиқариш технологияларини реконструкция ва модернизациялаш орқали ишлаб чиқариш тармоқлари самарадорлигини ошириш вазифалари белгилаб берилган.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда бухгалтерия соҳасида ҳам иқтисодий ўзгаришлар рўй бериб, ҳалқаро стандартларга ўтиш жараёнлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Ҳоссатан, ҳалқаро стандартларда ишлаб чиқилган қоидалар, бухгалтерия ҳисоби обьектларини тан олиш каби масалалар миллий ҳисоб тизимини такомиллаштириш учун муҳим ҳисобланади. Бугунги рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида янги активларнинг кириб келиши, уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб олиш ва ушбу хусусиятларига қараб корхоналарда уларнинг ҳисобини юритиш каби вазифалар ҳалқаро ва миллий ҳисоб олдида турган энг асосий вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 411-моддасида хўжалик юритувчи субъектларнинг кўчмас мулк обьектлари мол-мулк солиғи обьектлари сифатида қайд қилинган бўлиб, ушбу кўчмас мулк обьектларига қўйидагилар киритилган:

- \* давлат рўйхатидан ўтган ҳамда корхона балансида турган бино ва иншоотлар;
- \* корхода қурилиш жараёнлари давом этаётган ва ҳали тугалланмаган обьектлар;
- \* темир йўллар, электр тармоқлари линиялари, алоқа узатиш тизимлари;
- \* қайта сотиш мақсадида қурувчи ташкилотлар томонидан қурилган кўчмас мулк обьектлари (Кодекс, 2019).

Ушбу кўчмас мулк обьектлари келгусида корхоналарнинг тижорат фаолиятида қатнашиб, улардан фойдаланилиш корхонага иқтисодий наф келтирадиган активлар ҳисобланади. Корхона ва ташкилотлар томонидан нотижорат мақсадида қурилган кўчмас мулк обьектлари солиқ кодексига мувофиқ, мол-мулк солиғи базасига кирмайди.

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, кўчмас мулк обьектлари корхоналар фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, инвестициявий мулк обьектлари ушбу активларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Инвестициявий мулк замонавий, ҳалқаро тажрибаларда тан олинган ва бугунги кунда корхоналар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган, фойда рентабеллигининг ошишига олиб келадиган активлардан бири ҳисобланиб, ушбу жиҳатлар эса, миллий ҳисоб тизимимизда кўзда тутилмаган. Корхоналарда инвестициявий мулкни тан олиш, корхоналарда уларнинг бошланғич қийматини аниқлаш, молиявий ҳисоб ва ҳисботда таснифий белгилари бўйича акс эттириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ҳалқаро ҳисоб таълимотида инвестициявий мулк ҳисобини юритишга доир 40-сон “Инвестициявий кўчмас мулки” БХС ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу стандартда қўйидагича таъриф келтирилган: “Инвестиция кўчмас мулки – бу қўйидаги мақсадларни истисно қилган ҳолда, ижара тўловларни олиш ёки капитал қийматининг ошиши ёки ҳар икки мақсад учун мўлжалланган (кўчмас мулк эгаси томонидан ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб турладиган)

кўчмас мулқидир (ер ёки бино (ёки бинонинг бир қисми) ёки ҳар иккаласи)"<sup>41</sup>. Ушбу таърифдан билиш мумкинки, инвестициявий кўчмас мулк бошқа активлардан уларнинг корхона фаолиятида қайси мақсадларда фойдаланиши бўйича фарқ қилиб, бухгалтерия ҳисобида ушбу мезонлар бўйича актив сифатида тан олинади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган норматив-ҳукуқий хужжатларда инвестициявий мулкга оид келтирилган турлича тавсиф ва таърифларни учратиш мумкин. Хоссатан, Ўзбекистон Республикаси "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасида "Инвестиция фондининг ёки пай фондининг инвестиция портфелини ташкил этувчи қимматли қоғозлар, улушлар, пул маблағлари (шу жумладан чет эл валютаси), омонатлар ва кўчмас мулк инвестиция активларидир" (Қонун, 2015), деб келтирилган бўлиб, унда кўчмас мулк обьектлари инвестиция активлари сифатида тан олинган.

1-сон "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот" БХМСда узоқ муддатли (жорий бўлмаган) активлар таркиби бўйича "Инвестиция мақсадида сақлаб турилган ва ҳисбот кунидан бошлаб 12 ой давомида сотилиши мумкин бўлмаган активлар" (БХМС, 1998) келтирилган бўлиб, бундай активлар сифатида инвестициявий мулк назарда тутилган. Демак, Республикаизда инвестициявий мулк ҳисбини ёритиш, уларга оид тартиб-қоидалар бўйича алоҳида миллий стандартлар ишлаб чиқилмаган бўлсада, бироқ мазкур стандартда ушбу активлар бухгалтерия ҳисобида узоқ муддатли актив сифатида тан олиниши эътироф этилган.

Иқтисодчи олим Очилов (2021), "инвестициявий мулк бир томондан молиявий инвестицияларга ўхшаб кетади. Бироқ, унинг кўчмас мулк эканлиги, бошланғич қийматда баҳоланса эскириш ҳисбланиши, корхона ўз бизнес моделини ўзгартириб, уни асосий восита ёки товар-моддий захира сифатида қайта таснифланиши мумкинлиги инобатга олинса, иккинчи томондан ушбу турдаги активлар капитал инвестициялар обьекти бўлади", деб таъкидлайди. Олимнинг фикрича, инвестициявий мулк бу молиявий инвестициялар каби хусусиятларга эга бўлсада, бироқ ушбу активлар капитал инвестицияларнинг бир тури ҳисбланади.

Акрамов (2022), "инвестиция кўчмас мулки, узоқ муддатли биологик активлар, дебиторлик қарзи, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари каби молиявий ҳисботнинг муҳим элементларини қадрсизланиши бўйича резерв ташкил қилиш" бўйича тавсиялар ишлаб чиқкан.

Рахмонова (2023) бевосита инвестициявий мулкни тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисбини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган бўлиб, "инвестициявий кўчмас мулк деганда, оператив ижара ёки вақт ўтиши билан қийматининг ошиши ҳисбидан даромад олиш мўлжалланган ер, бино ёки унинг бир қисми, ер ва бино биргаликдаги обьектлар тушунилади", деб таъриф берилган. Шунингдек, муаллифнинг бошқа илмий ишида эса, "инвестициявий кўчмас мулкнинг фойдаланиш усулининг ўзгариши ИКМ таркибидаги ўзгаришларига олиб келиши билан бир қаторда фойда ва заарларга таъсир қўрсатади" (Рахмонова, 2024), деб инвестициявий мулк ва бошқа узоқ муддатли активларнинг фарқли жиҳатларини қўрсатиб ўтган.

Хорижий манбаларда қуйидагича изоҳ берилган: "Инвестицион мулкни ҳисобга олиш бизнес эгалари ва инвесторлар учун молиявий менежментнинг муҳим жиҳати ҳисбланади. У инвестиция мақсадларида мавжуд бўлган кўчмас мулк билан боғлиқ молиявий операцияларни тизимли равишда қайд этиш, ҳисбот бериш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади"<sup>42</sup>.

<sup>41</sup> 40-сон БХХС "Инвестициявий кўчмас мулки".

<sup>42</sup> <https://accountinginsights.org/investment-property-accounting-standards-valuation-reporting/>

### Тадқиқот методологияси.

Пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботда капитал инвестицияларга доир ахборотларни очиб бериш методологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида инвестициявий мулкнинг бошқа активлардан фарқли жиҳатларини янада кенгроқ ёритиб бериш мақсадида уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги ўзига хос белгиларини таснифлаб чиқдик (1-жадвал):

**1-жадвал**

#### **Корхоналарда инвестициявий мулкнинг бошқа активларга нисбатан ўзига хос белгилари**

<b>№</b>	<b>Таснифий белгилари</b>	<b>Инвестициявий мулк, 40-сон “Инвестициявий кўчмас мулки” БХХС бўйича</b>	<b>Бошқа асосий воситалар, 16-сон “Асосий воситалар” БХХС бўйича</b>	<b>Товар-моддий захиралар, 2-сон “Захиралар” БХХС бўйича</b>
1	<b>Сотиб олиш бўйича</b>	Узоқ муддатда сотиш учун сотиб олинади ва бунинг натижасида кўчмас мулк обьекти қийматининг ошиши мақсадида ушлаб турилади	Корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида сотиб олинади	Қисқа муддатда сотиш мақсадида сотиб олинади ва бунинг натижасида жорий ҳисбот даврида фойда олиш кўзланади
2	<b>Сотиш бўйича</b>	Узоқ вақтдан кейин қиймати ошиши натижасида сотиш ва фойда кўриш учун мўлжалланган бўлади	Сотиш учун мўлжалланган бўлмайди	Қисқа вақтдан кейин сотиш учун ва фойда кўриш учун мўлжалланган бўлади
3	<b>Тутиб туриш бўйича</b>	Кўчмас мулк обьектларидан қачон ва қайси мақсадда фойдаланиш аниқ бўлмайди	Кўчмас мулк обьектларидан корхонага фойдаланиш мақсади аниқ бўлади	Кўчмас мулк обьектларидан қисқа вақт ичида сотиш мақсади аниқ бўлади
4	<b>Баҳолаш натижалари бўйича</b>	Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш натижасида юзага келган фойда фойда ва зарарларда акс эттирилади	Кўчмас мулк обьектларини баҳолаш натижасида юзага келган фойда бошқа умумлашган даромадларда акс эттирилади	Ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади
5	<b>Бино қуриш жараёнлари бўйича</b>	Келгусида қиймати ошишини кўзлаб қурилган бино	Келгусида ўз фаолияти доирасида фойдаланишни кўзлаб қурилган бино	Сотиб юбориш мақсадида қурилган бино
6	<b>Қурилиш ишларига оид капитал инвестицияларни амалга ошириш бўйича</b>	Келгусида қиймати ошишини кўзлаб корхонанинг ўз кучи билан қурилиш бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар	Келгусида ўз фаолияти доирасида фойдаланишни кўзлаб корхонанинг ўз кучи билан қурилиш бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар	Товар-моддий захиралари бўйича капитал инвестициялар амалга оширилмайди
7	<b>Ижарага бериш бўйича</b>	Бошқа корхоналарга қисқа муддатда, оператив ижара шартномаси бўйича фойдаланишга берилади	Бошқа корхоналарга узоқ муддатда, молиявий ижара шартномаси бўйича фойдаланишга берилади	Товар-моддий захираларини ижарага бериш кўзда тутилмаган

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф ишиланмаси.

Юқоридаги жадвал мәлімнелердегі бүйічка күриш олиш мүмкінкі, инвестициявий мулк объектлары келгесінде улар қыйматининг ошиғ кетиши ёки ушбу күчмас мулк объектларини ижарага бериш натижасыда фойда олишга қаратылған бўлиб, инвестициявий мулк объектлары бевосита корхоналарнинг асосий фаолиятига қатнашмайды. Агарда, күчмас мулк объектлары корхоналарда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнларига ёки маъмурий, сотиш мақсадида фойдаланишда бўлса, бундай активлар асосий воситалар ҳисобланиб, халқаро таълимотда 16-сон “Асосий воситалар” БХХС бўйича ҳисоби юритилади. Худди шунингдек, агар объектлар уларни қайта сотиш мақсадида сотиб олинса ёки қайта сотиш мақсадида қурилган бўлса, бундай активлар ҳисоби 2-сон “Захиралар” БХХС асосида товар-моддий захиралари сифатида тан олинади. Агар, күчмас мулк объектлары корхонада узоқ муддатда, молиявий ижарага бериш мақсадида фойдаланилса, бундай вазиятда 16-сон “Ижара” МХХС бўйича ишлаб чиқилган тартиб-қоидаларга амал қиласи.

Бундан кўриниб турибдики, инвестициявий мулк ҳисобини юритиш ўзига хос жараён бўлиб, корхоналарда ушбу хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда уларни тан олиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттириш долзарб вазифалардандир.

Халқаро стандартларга мувофиқ, бухгалтерия ҳисобида инвестициявий мулк иккита ҳолатда актив сифатида тан олиниши қайд этилган:

- \* инвестициявий күчмас мулк корхонанинг келажакдаги иқтисодий фаолиятига фойда келтириши назарда тутилган бўлса;

- \* инвестициявий мулкнинг таннархига харажатларни киритиш орқали уларнинг бошланғич қиймати аниқ баҳоланса.

Мазкур шартларнинг ҳар иккаласи топилгандан кейингина инвестициявий мулк корхонада актив сифатида тан олинади ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади. Инвестициявий мулк бўйича амалга оширилган харажатлар ўша даврда ҳисобга олиниб, капитал инвестицияларни ҳисобга олишга мўлжалланган бухгалтерия счётларида акс эттирилиши лозим. Бироқ, бугунги кунда, инвестициявий мулк бўйича капитал инвестицияларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар 21-сон БХМСда назарда тутилмаган бўлиб, капитал инвестицияларга оид мавжуд бўлган счётлар таркибини такомилластириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, амалда мавжуд бўлган 0810-“Тугалланмаган қурилиш” ҳамда “Асосий воситаларни харид қилиш” бўйича ишлаб чиқилган счётлар таркибидан “Инвестициявий мулк” бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу боис, мазкур тадқиқот ишимизда юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида 21-сон “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” БХМС таркибида инвестициявий мулк бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга оид счётлар режасини очишни тавсия этамиз. Биз томонимиздан тавсия этилган ушбу бухгалтерия счёти корхоналарда амалга оширилган капитал инвестицияларни уларнинг ҳар бир тури, хоссатан инвестициявий мулк бўйича жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда алоҳида акс эттирилишга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз. Зотан, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда инновацион ва инвестицион фаолиятлар тобора авжига чиқсан бир пайтда ўз кучи билан амалга оширилаётган қурилиш ишлари қайси йўналишда, яъни корхонада ушбу объектларни қуришдан мақсад улардан корхонанинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларида фойдаланишми ёки келажакда күчмас мулк объектларининг қиймати ошиши натижасыда фойда кўришми, шулардан қайси бири бўйича қурилиш ишлари амалга оширилаётганлигини аниқлашда, ушбу жараёнлар бўйича харажатларни объектларнинг таннархига тўғри

олиб боришига, натижада уларнинг бошланғич қийматларини аниқ ҳисоб-китоб қилишда муҳим ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, биз томонимиздан тавсия этилган инвестициявий мулк бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга оид счёtlар таркибини рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида такомиллаштириш мақсадида қўйидаги илмий тавсияларни ишлаб чиқдик (2-жадвал):

## 2-жадвал

### **Рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида инвестициявий мулк бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисобини юритиш учун тавсия этилган счёtlар тизими**

Синтетик счёт	Синтетик счёт номи	Аналитик счёtlар	Аналитик счёtlар номи
0870	<b>Инвестициявий мулк ва уларга киритилган капитал инвестицияларни ҳисобга оловчи счёtlар</b>	0871	Инвестициявий мулк сифатида рақамли ишлаб чиқариш объектларини харид қилиш ва уларга киритилган капитал инвестициялар
		0872	Инвестициявий мулк сифатида яшил майдон объектларини харид қилиш ва уларга киритилган капитал инвестициялар
		0873	Инвестициявий мулк сифатида бошқа янги объектларни харид қилиш ва уларга киритилган капитал инвестициялар
		0874	Инвестициявий мулк сифатида мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестициялар

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу инвестициявий мулк бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисобини юритиш учун тавсия этилган счёtlар тизими рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида бир қанча хусусиятларга эга:

**Биринчидан,** 21-сон БҲМСда капитал инвестициялар ҳисобини юритишига мўлжалланган счёtlар режаси таркибида инвестициявий мулк ва улар бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларни ҳисобга оловчи счёtlар режаси ишлаб чиқилмаган бўлиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида янги синтетик ва аналитик счёtlар режаси тавсия этилди.

**Иккинчидан,** биз томонимиздан капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш мақсадида тавсия этилган “Инвестициявий мулк ва уларга киритилган капитал инвестицияларни ҳисобга оловчи счёtlар” ва уларнинг таркибий қисмлари корхонада ўз кучи билан турли мақсадларда қурилиш жараёнида бўлган объектларни инвестициявий мулк сифатида қурилган объектлардан ажратиб олиш имкониятини беради. Шунингдек, харид қилинган активлар таркибидан корхонага инвестициявий мулк сифатида харид қилинган активларни алоҳида ҳисобда акс эттиришга хизмат қилиб, капитал инвестицияларга оид ахборотларни батафсил очиқлашга имконият беради, деб ҳисблаймиз.

Тадқиқот давомида аниқ бўлдики, инвестициявий мулк айрим хусусиятлари билан асосий воситалар, номоддий активлар каби узоқ муддатли активлардан ажралиб туради. Корхоналарда инвестициявий мулк объектлари халқаро стандартларга мувофиқ, дастлаб бошланғич қийматда баҳоланиб бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Ундан кейин, ҳисбот давомида камидан бир маротаба ҳисбот даврининг охирида молиявий ҳисботни тузиш пайтида қайта баҳоланиши лозим. Бизнинг фикримизча, ушбу баҳолаш натижалари бошқа узоқ муддатли активлардан

фарқли равишда бухгалтерия балансида эмас, балки молиявий натижаларда акс эттирилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бундай хуносага келишимизга сабаб, корхоналарда инвестициявий мулк бўйича капитал инвестицияларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад молиявий инвестициялар каби даромад олиш эмас, балки узоқ муддатда инвестициявий мулк обьектларини саклаб туриш ёки уларни ижарага бериш натижасида уларнинг қиймати ошиши ҳисобидан операцион фойда олишга қаратилган бўлади.

Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб, инвестициявий мулк обьектларини сотиш натижасида олинган даромадларни амалдаги счёtlар режасида акс эттиришнинг имконияти йўқлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур илмий тадқиқот ишимизда корхоналар бухгалтерия ҳисобида инвестициявий мулк обьектларини сотиш ва ижарага бериш натижасида олинган даромадларни ҳисобга олиш бўйича биз томонимиздан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқдик:

\* 9391-“Инвестициявий мулк обьектларини сотиш натижасида олинган даромадлар”;

\* 9392-“Инвестициявий мулк обьектларини ижарага бериш натижасида олинган даромадлар”.

### 3-жадвал

#### Яшил майдон обьектларида инвестициявий мулк бўйича капитал инвестициялар тўғрисида ҳисбот шакли

Кўрсаткичлар	Ўтган йил			Ҳисбот йили			Бажари- лиш ҳолати (фоизда)
	Давр бошига тўплан- ган қолдиқ	Амалга оширилган капитал инвести- циялар	Давр охирига тўплан- ган қолдиқ	Давр бошига тўплан- ган қолдиқ	Амалга оширилган капитал инвести- циялар	Давр охирига тўплан- ган қолдиқ	
<b>Бевосита харажатлар, жумладан:</b>							
Моддий харажатлар							
Меҳнат ҳақи бўйича харажатлар							
Амортизация харажатлари							
Бошқа харажатлар							
<b>Билвосита харажатлар, жумладан:</b>							
Амортизация харажатлари							
Меҳнат ҳақи харажатлари							
Коммунал харажатлари							
Бошқа харажатлар							
<b>Капитализация-ланадиган харажатлар</b>							

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Биз томонимиздан тавсия этилган инвестициявий мулк бўйича даромадларни ҳисобга олишга мўлжалланган ушбу счётлар бухгалтерия ҳисобининг ахборот қамровини кенгайтириб, ахборотларнинг шаффоғлигини таъминлайди.

Бугунги кунда, корхоналарда инвестициявий мулк сифатида яшил майдон объектларини қуриш бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар тўғрисида, ушбу қурилиш жараёнларига доир маълумотларни очиб берувчи ҳужжатлар шакли ишлаб чиқилмаган. Бу эса, бугунги яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда ҳам бошқарув ва ҳам солиққа тортиш нуқтаи назаридан муҳимдир. Чунки, корхоналарда қурилиш ишлари бўйича амалга оширилаётган капитал инвестицияларнинг ҳолати, кўчмас мулк объектлари, жумладан инвестиациявий мулк объектлари бўйича амалга оширилган харажатларни ўзида акс эттирувчи ахборотларлар корхона бошқарув ходимларининг стратегик ва инвестицион қарорларни қабул қилишларига асос бўлиб хизмат қиласди. Қолаверса, кўчмас мулк объектларининг ўз вақтида қуриб битказилиши ва фойдаланишга топширилиши бевосита солиқ тизимиға ҳам таъсир кўрсатиб, корхонанинг мол-мулк солиғига тортилиши мумкин.

Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишимизда кўчмас мулк объектлари, жумладан инвестиациявий мулк объектлари бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни ўзида мужассам этувчи молиявий, бошқарув ва солиқ аҳамиятидаги янги ҳисбот шаклини ишлаб чиқдик (З-жадвал):

Тадқиқотларимиз давомида биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу ҳисбот шакли корхоналар яшил майдон объектларида инвестиациявий мулк бўйича капитал инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни реал акс эттиришга хизмат қиласди, деб ҳисблаймиз.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида биз томонимиздан қуйидаги илмий хулоса ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, халқаро ва миллий тажрибаларга мувофиқ ҳолда корхоналарда инвестиациявий мулкнинг бошқа активларга нисбатан ўзига хос белгилари ажратиб олинди. Шунингдек, инвестиациявий мулк бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисобини юритиш учун янги счётлар тизими ва уларни проводкаларда акс эттириш жараёнлари тавсия этилди.

Тадқиқотлар давомида “Яшил майдон объектларида инвестиациявий мулк бўйича капитал инвестициялар тўғрисида ҳисбот шакли” ишлаб чиқилди. Ушбу ҳисбот шаклида келтирилган кўрсаткичлар икки йиллик жараёнларни ўз ичига олиб, ушбу жиҳатлар солиқ қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ, яъни “агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичига қурилиши тугалланмаган объектлар киради” (Кодекс, 2019), деб келтирилган қоидага мувофиқ ахборотларни ёритишга хизмат қиласди. Қолаверса, мазкур ҳисбот шакли корхонада капитал инвестициялар бўйича амалга оширилган харажатларни йиллар кесимида таҳлил қилиш имкониятини беради.

Мазкур ҳисбот шакли бўйича келтирилган кўрсаткичлар бошқарув ходимларига қурилиш жараёнларига оид зарурий бўлган ахборотларни тақдим этади. Хоссатан, инвестиациявий мулк обьекти бўйича қурилиш жараёнларининг бажарилиш ҳолатини фоизларда акс эттириб, корхонанинг стратегик режаларини ишлаб чиқишига, корхона ҳисоб сиёсатида ушбу режаларни акс эттиришга хизмат қиласди, деб ҳисблаймиз. Шунингдек, ҳисбот шаклида капитал инвестицияларни амалга оширишда сарфланган бевосита ва билвосита харажатларнинг уларнинг таркибий элементлари бўйича алоҳида сатрларда акс эттирилиши бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш, харажатлар устидан тўлиқ назорат ўрнатиш имкониятини беради.

Қолаверса, бугунги кунда, инвестициявий мулк бўйича харажатларни капитализациялаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, корхоналарда банк ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлардан олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловларини капитализациялаш бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, олиб борилган тадқиқотларимиз давомида ушбу харажатларни кўчмас мулк объектларининг бошланғич қийматига олиб бориш лозим, деб ҳисобладик ва мазкур ҳисобот шаклини ишлаб чиқишида ушбу жиҳатлар ҳисобга олинди.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган мазкур ҳисобот шаклиниг корхонанинг солиқ тортиладиган базасига таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, “Яшил майдон объектларида инвестициявий мулк бўйича капитал инвестициялар тўғрисида ҳисобот” шаклини молиявий ҳисобот шаклига илова сифатида солиқ органлари ва бошқа ташкилотларга тақдим этиш лозим. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳисобот шакли тадбиркор ва солиқ органи ўртасидаги муносабатларни холисона олиб боришга хизмат қиласи, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида эришилган юқоридаги натижалар яшил майдон объектларида кўчмас мулк бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштиришга, хоссатан инвестициявий мулк объектларининг бошланғич қийматларини аниқлашга, уларни ҳисоб ва ҳисобот шаклларида халқаро стандартларда келтирилган тартиб-қоидаларга мувофиқ тарзда акс эттиришга хизмат қиласи, деб ҳисоблаймиз.

#### **Адабиётлар / Литература/ Reference:**

Акрамов А.Б. (2022) Халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ва унинг таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. -Т.: 58 б.

БХМС (1998) 1-сон БХМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” // АВ томонидан 14.08.1998 й. 474-сон билан рўйхатга олинган.

Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2022 йил 02 декабрь. ПҚ-436.

Қонун (2015) Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонуни. 2015 йил 25 август. 392-сон.

Очилов О.И. (2021) Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. -Т.: 228 б.

Рахмонова Ю.Ш. (2023) Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида давомий баҳолашни такомиллаштириш // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил. 6-сон. 202-214-б.

Рахмонова Ю.Ш. (2024) Инвестициявий кўчмас мулкларининг қайта таснифланиши ҳисоби // Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил. 3-сон. 423-433-б.